

## АМИР ТЕМУР ВА ТЕМУРИЙЛАР ДАВРИДАГИ РУХИЙ ВА ЖИСМОНИЙ МАШҚЛАР

*доцент, Р.С. Юсупов*

*доцент, С.У. Абдуазимов*

*доцент, И.И. Шералиев*

**Аннотация:** Ушбу мақолада Амир Темур ва темурийлар даврида спрот ўйинлари ва оммавий томашаларни қўшинлар жанговар тайёргарлиги ва жанговар руҳини кўтаришдаги роли ва ўрни умумлаштирилган ва таҳлил қилинган.

**Калит сўзлар:** Амир Темур ва темурийлар, томошалар, оммавий ўйинлар, пойга, кураш, турли жисмоний ва ақлий (ов, човгон ўйини, кураш, улоқ, шахмат, қўшинлари жанговар тайёргарлиги, жанговар ҳаракатлар.

Узоқ минг йилликлардан буён анъанавий тус олиб келаётган ва катта ижтимоий аҳамиятга эга бўлган тамошалар, оммавий ўйинларга Амир Темур ва темурийлар даврида алоҳида аҳамият берилган. Бунинг ўзига хос сабаблари бўлган. Чунки бу каби машқларнинг Амир Темур ва темурийларнинг давлат бошқарув ишларида, айниқса уларнинг стратегия ва тактика йўналишидаги олиб борган ишларида янги-янги изланишларни рўёбга чиқишида муҳим роль ўйнаган.

Соҳибқирон Амир Темур ўз олдига қўйган мақсадларини фақат жисмонан кучли, соғлом инсонлар билангина амалга ошира олишлигини жуда ёшлигиданоқ чукур ҳис этган. У аввал ёшлик йилларида ўртоқлари билан ёшларга хос бўлган ўйинлардан пойга, кураш, подшо-подшо каби ўйинларни ўйнаган бўлса, балоғат ёшига етганда ҳам унинг бу ўйинлари жиддийроқ тус олиб, турли жисмоний ва ақлий (ов, човгон ўйини, кураш, улоқ, шахмат каби спорт ўйинларига алоҳида аҳамият берган. Бу ҳақда Шарафуддин Али Яздий “Зафарнома” асарида ҳам эслатиб ўтган.<sup>1</sup>

Кейинчалик Амир Темур бундай спорт ишларига алоҳида аҳамият бериб, ўз армиясини, вазият тақозоси билан, турли жисмоний машқлар ўтказиб чиниктириб борган. Натижада у турли шароитларда, иссиқ-совуқни писанд қилмай, чўлу-биёбонларда ҳам, тоғу-тошлокларда ҳам жанг қила оладиган қўшин тузди. У яратган қўшини олиб борган жанглари ҳақидаги тафсилотларни – стратегия ва тактикада қўллаган усууллари ҳақида биз ёзма манбаларда келтирилган маълумотлар, миниатюра асарларидаги тасвирлар, шунингдек

<sup>1</sup> Шарафуддин Али Яздий. Зафарнома. – Тошкент: Шарқ, 1997. – 13 б.

археологик қазишилардан топилган ашёвий далиллар асосида ёритишга харакат қиласыз. У ёшлигидан соглом, оғирчиликларга чидамли бўлиб ўсган ва ўз замондошларини, айниқса тенгқурларини ўзининг жисмонан бақувватлиги билан лол қолдирган. Тарихий маълумотларга қараганда у туғилган жой Хўжа Илғор қишлоғидаги Хўжа Илғор ота қабристонида бир суфа устида ҳозирда ҳам илохий қудратга эга бўлган ва “полвонтош” номи билан аталувчи бир тош сақланаётган бўлиб, бироз чуқурроқ тўртбурчак шаклда эмиш. Унинг оғирлиги 6 пудча (96 кг) бўлиб, Амир Темур ёшлигига шу тошни кўтариб машқ қилар экан. Кишлоқ аҳлининг айтишларича бундай оғир тошни фақат қўнгли покларгина кўтара олар эмиш.<sup>2</sup>

Келажакда таникли давлат арбоби ва афсонавий саркарда бўлиб шухрат қозонган Амир Темур ва темурийлар даврида қўнгил очиш ва зарурий холларда озуқа ғамлаш мақсадида кенгликларда, тоғлик ерларда ташкил этилган ишлардан бири ов машғулоти бўлиб, тарих саҳифаларига назар ташлайдиган бўлсак кишилик жамиятининг илк даврларидан бошлабоқ инсоннинг кундалик турмуш эҳтиёжларини қондириш машғулоти сифатида майдонга келган. Бунинг исботи сифатида Ўзбекистон худудидаги бизнинг кунларгача етиб келган тоғлиқ районлардаги қоятошларга битилган суратларни мисол қилиб келтиришимиз мумкин.<sup>3</sup> Улар ичida Сурхондарё вилоятидаги Кўҳитанг тогининг шарқий ёнбағридаги Зараутсой дарасидаги суратлар алоҳида тарихий аҳамиятга эга. Ундаги бир суратда маҳсус ниқобларга ўралган овчилар томонидан ёввойи буқани ўраб олиб қўлга киритиш жараёни тасвирланган.<sup>4</sup> Гўё аждодлар усулидан намуна олган каби Амир Темур замонида ҳам ов санъати ўз кўринишини йўқотмаган. Ёшлигидан овга қизиқиб, уни дастлаб қўнгил очиш машғулоти сифатида қабул қилган Амир Темур, хокимиятни ўз қўлига олгач, овга бўлган муносабати, қизиқиши ўзгача тус олган. Эндиликда Амир Темур нафақат ов ўтказиладиган майдонларга, балки бошқа кўринишдаги спорт турларига ҳарбий машқ ўтказиш воситаси сифатида қараган.

XV асрда яратилган тарихий ва бадиий асарларнинг саҳифаларига ишланган турли кўринишдаги санъат асарлари – миниатюраларга назар ташласак, Амир Темур ва темурийлар даврида ташкил этилган ов жараёнларининг манзараси яққол қўзга ташланади. Масалан, “тоғда шоҳ ови” номли миниатюрада аскарлар томонидан турли ҳайвонларни халқа шаклида ўраб олиб, ов қилиш холати

<sup>2</sup> Улашова Севинч. Хўжа Илғор тарихи. – Тошкент: ЎзРФА “Фан” нашриёти, 2006. – 129 б.

<sup>3</sup> Қаранг: Сармишсој расмлари. ЎзМЭ. – Тошкент: Давлат илмий нашриёти, 2004. Т.4. – 524 б.

Зараутсой расмлари. ЎзМЭ. – Тошкент: Давлат илмий нашриёти, 2002. Т.3. – 672 б.

<sup>4</sup> Санъатшуносларнинг фикрига кўра бу суратлар мезолит даврида чизилган. Қаранг: Пугаченкова Г.А., Ремпель Л.И. История искусств Узбекистана с древнейших времён до середины девятнадцатого века. – М.: изд. Искусство, 1965. – с. 14.

тасвиrlанган.<sup>5</sup> Бу миниатюра тасвири Петербургдаги М.Е.Салтиков-Щедрин номли халқ кутубхонасида сақланмоқда. Бу миниатюра асари Абдурахмон Жомийнинг 1549 йилда кўчирилган “Силсилат аз-захоб” (Олтин занжир) номли асарининг охирги бетига жойлаштирилган. Миниатюра икки қисмдан иборат бўлиб, унда тоғ манзараси ва ундаги ўсимликлар, ҳайвонот дунёси ва бу тоғ жонзотларини (тоғ эчкилари, охулар, қоплонлар каби) саноқсиз отлиқлар томонидан ўраб олганлиги жуда жонли тасвиrlанган. Бу отлиқлар тоғ ҳайвонларини ўраб, бир ерга тўпланишга мажбур қилишмоқда. Уларни эса отлик шаҳзодалар камонлардан ўқ узиб яралашмоқда.

Тасвиридаги қоплонларга ташланаётган отлик овчи шубҳасиз Амир Темур бўлиши керак. У ўзининг қора отларининг бирида камон билан бир тўда қоплонларга ташланаётганлиги акс эттирилган. Шу ерда Ибн Арабшоҳ қаламига мансуб бўлган “Ажоиб ал-мақдур фи тарихи Таймур” номли асардан лавҳалар келтирамиз.<sup>6</sup> Фикримизча қуйидаги тафсилотлар айнан шу миниатюрадаги тасвирга тегишли бўлса ажаб эмас.

“Айтишларича, кунларнинг бирида Темур сайд (ов) қилмоқни истаб, ўз одатига кўра ўнгу чап (томон)га қўшини ва аскар тўдаларини юбориб, пиёдаларининг ана у майдонларга, отлиқларининг мана бу қишлоқлару адирларга чиқишлигини ҳамда жилғаю текисликларга чўзилиб, ёйилишиларини буюрган. Қачонки (у далалардаги) ваҳшийларни фириб ҳалқаси сиқиб (ўраб) олиб, рамо (отмоқ) ва асмо (ўлдирмоқ) “феъл”лари учун Амру Зайд ўзаро низо чиқариши дуруст бўладиган пайтда, ҳеч бир киши овга қараб на зарба, на таъна, на отишга ишорат бермайди, балки улар ушбу сахро ҳайвонларини шу ўлим ўчогига қайтариб турадилар.

Ҳар ким ўзига фармон қилинган (амр)га амал қиласди. Қачонки ўша тўдалар ва гуруҳлар сафи бир-бирига жисплашган бинолар каби терилиб, бу парчаловчи (аскар)лар сафлари у ҳайвонларни гўё ойни (ўртага) ўраб олган юлдузлар мисоли ўраб олгач, ҳайвонлар денгизлари ушбу (куруқлик) жойда мавж урдики, бу тошқин селлар гирдобидан у (ҳайвон)лар учун на чиқадиган, на ўтадиган жой топилди. Натижада, ҳайвонлар айланиб қўзғолдилар, ҳайратланиб безовталандилар, маърашиб талпиндилар ва вағиллашиб фифон қилдилар, дод-фарёд қилганларидан кейин тинчидилар ҳамда доимо уларга кенг бўлган ерларда сиқилдилар. Ўша ер байроқларининг хилъатлари шу “ҳайвонлар йиғилганда” улар қаторлари билан тикилди. Қачонки у ваҳшийлар шу ахволда ғоят даҳшатли вазиятда эканларида, Темур, ҳар тарафдан ноғораларни уришга най ва карнайларни чалишга амр қилди. Шундан кейин косалар урилиб, сурнайлар

<sup>5</sup> Массон М.Е. К истолкованию миниатюры “шахская охота”. Из истории живописи Средней Азии. –Ташкент: изд. Гафура Гуляма, 1984. – с. 124-125.

<sup>6</sup> Ибн Арабшоҳ. Ажоиб ал-мақдур фи тарихи Таймур (Темур тарихида тақдир ажойиботлари). Тошкент: Мехнат, 1992. 2-китоб. – 80-81 б.

овози ҳам кўтарилиб, бутун олам шовқин-сурон, дод-войга тўлиб кетди; “еру дунё титраб”, атроф алғов-далғов бўлди.

Ҳайвонлар ноғоралар овозини эшишиб ҳолдан тойиб, ўтакаси ёрилди, сулайиб, қимир этмай қолдилар. Сўнгра бир-бирининг пинжига кириб (бир-биrlарига) ёпишдилар ва қиёмат-қойим бўлди, деб тасаввур қилдилар; баъзилари баъзиларининг бўйнидан қучоқлаб ухладилар, хўкизлар (урғочи) шерларни қучоқлади, шер эса кийик билан (бирга) ётди, бўри эса охулар орасига яширинди, тулки қуён болаларига қўшилди, ёввойи эчки тұяқушдан паноҳ тиласа, қуён қирғийдан ёрдам сўради, калтакесак катта балиқдан, қўшоёқ қарғадан мадад истади. Ана шу дамда Темур ўз авлоди ва амирларининг болаларию набираларига ҳеч бир иккиланмасдан истаганию (у ҳайвонлардан) отишни, шилишни, ўлдиришни буюриб, ўзи эса уларга назар солиб, (уларнинг ишларини) томоша қила бошлади. Уларнинг ҳаракату ҳолатларини кўриб, қаҳқаҳа отиб кулар, уларни олға ундан, курашга чорлар, бу билан гўё ботирларни ов қилишга журъатлантиради. Аскар ҳошиялари улар ўлдирган овларни тутатиб, кўпайтирган ўлжаларини йигиштира бошладилар.

Амир Темур ва темурийлар давридаги машғулотлардан кураш, от пойгаси, чавгон, камон отиш машқи ўйини каби ҳам кўнгилочар, ҳам спорт билан боғлиқ ўйинлар муҳим роль ўйнаган.

Бу даврда кенг авж олган спорт турларидан яна бири чавгон ўйинлариdir. Бу каби спорт билан шуғулланиш учун маҳсус майдонлар (ўйингоҳлар) бўлган. Ана шундай ўйингоҳлардан бири Самарқандда Афросиоб харобалари ёнбағрида жойлашган Боги Майдон номи билан машҳур бўлган. Бу майдоннинг бир чеккасида Улуғбек даврида “Чилустун”, “Чиннихона” номли саройлар қад кўтарган.

Темурийлар тарихи давлат музейи экспозициясидан чавгон ўйинининг асосий элементларидан бири бўлган тўп-соққа (гўй) жой олган. Ушбу ноёб топилма академик Ю.Буряков бошчилигидаги археологик қазишмалар даврида Самарқанд шаҳридаги Регистон майдонининг пастки XV асрга оид маданий қатламларидан топилган. Бу тўп оқиши рангдаги мармардан ниҳоятда думалоқ қилиб ишланган бўлиб, оғирлиги роппа-роса бир килограмм, диаметри 9 сантиметрдир. Темурийлар даврида яшаб ижод этган Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоий қаламларига мансуб бўлган китобларнинг саҳифаларига ишланган миниатюра асарларига назар ташлайдиган бўлсак, турли мавзудаги тасвиirlар қаторида “Чавгон” ўйини тасвиirlangan асарларни ҳам кўрамиз.<sup>7</sup> Уларда мусобақаларда қатнашаётган икки гурӯҳ отлик ўйинчиларнинг ҳозирги муз устидаги хоккейчилар каби харакат қилаётганликларини, кўплаб

<sup>7</sup> Алишер Навоий асарларига ишланган миниатюралар. – Тошкент: Шарқ, 2001. – 80, 104-расмлар.

тамошабинларни, ўйинчиларни чавгонлари (клюшка) синиб қолган тақдирда улар алмаштириб беришга шай турган ёрдамчиларни кўриш мумкин.

Бу ўйиндан ташқари миниатюраларда “Камон отиш машқи” деб аталган ўйинларни кўриш мумкин. Бунда ҳам маҳсус майдонда машқда қатнашаётган гуруҳлар (ракиблар) навбати билан баланд қилиб тикланган ёғоч (хода) тепасига маҳкамланган юмшоқроқ буюмни нишонган олишлари тасвирланган. Шунингдек навбати билан ўқ узаётган камончиларни харакатини ва уларни буюмни қай даражада нишонга олаётганини маҳсус тайёрланган ҳакамлар (судья) назорат қилиб турганлиги, ўйинчиларни камон ўқлари билан таъминловчи ёрдамчилар ва атрофдан ўраб турган тамошабинлар тасвирланган.<sup>8</sup>

Қадимдан мавжуд бўлган ва темурийлар даврида кенг авж олган бундай ўйин-машқ деб аталувчи спорт турлари ёшларнинг сиҳат-саломатлигини мустаҳкамлашдан ташқари, уларга завқ бағишилаган. Кенг авж олган бу каби ўйинлар гарчи оддий қарашда ўйин деб ҳисоблансада, уни заминида ўзгача мақсадлар ётган.

Келажакда таниқли давлат арбоби ва афсоновий саркарда бўлиб шухрат қозонган Амир Темур ўз армиясини шароитга кўра турли жисмоний машқлар ўтказиб чиниқтириб борган. Натижада у турли шароитларда, иссиқ-совуқни писанд қилмай, чўлу-биёбонларда ҳам, тоғу-тошлоқлоқларда ҳам жанг қила оладиган армия яратди. У яратган армиянинг тафсилотлари ҳакида биз ёзма манбаларда келтирилган маълумотлар, миниатюра асрларидағи тасвирлар, шунингдек археологик қазишималардан топилган ашёвий далиллар асосида озми-кўпми маълумотларга эгамиз<sup>9</sup>.

Темурийлар тарихи давлат музейининг экспозиция залларида намойиш этилаётган бир қатор Республикаиздаги мусавирлар томонидан яратилган рангли расмлар, шунингдек миниатюра асрларининг катталаштирилган намуналарига назар ташласак, XIV-XV асрларда ташкил топган армия ҳакида тасаввурга эга бўлишлик мумкин. Бу тасвирларда жангта тайёргарлик ишлари, аскарларнинг кийган ҳарбий кийимлари, жанговор қуролларининг турлари ва кўриниши, кенг бепаён чўллардаги, тоғи-тошлардаги жанг манзаралари кабиларни кўрамиз. Масалан, “Тоғдаги жанг” деб номланган миниатюра эътиборга лойикдир. Унда Амир Темур бошлиқ бир гуруҳ қўшиннинг баланд тоғ тепасидан туриб душманга зарба бераётган холати тасвирланган. Тасвирда Амир Темур кўрсатмасига биноан жангчилар камонларидан пастда жойлашган рақибларига қарши ўқ узишмоқда, лекин тоғни панасига ўтиб олган рақибларни нишонга олишни иложи йўқдек. Узоқни кўра билган ва турли шароитларда жанг

<sup>8</sup> Алишер Навоий асрларига ишланган миниатюралар. – Тошкент: Шарқ, 2001.

<sup>9</sup> Yusupov R.S., Muzaffarov Z.Q., Najimov M.M., Xodjixodjayev F.M. Harbiy san'atning rivojlanishi / darslik. – Toshkent, 2022. – 776 b.

қилиш усулларини яхши ўрганган Амир Темур тикка қояликлардан махсус тайёргарлик кўрган бир гуруҳ камончиларни махсус ўқ ўтмас сандиқчаларга жойлаштириб пастга<sup>10</sup> туширмоқда. Натижада улар тоғ панасига ўтиб олган рақибларига камонлари ёрдамида зарба бермоқдалар.

Амир Темур фаолиятидаги ўйинлардан яна бир тури бу унинг шодлигига ҳам, ранжиган пайитларида ҳам, бирор ишга қўл уришдан аввал ҳам, фикрини пешлаб олиш мақсадидаги севган ўйини шатранж (шод+ранж) ўйини бўлган. Шатранж атамаси арабча сўз бўлиб, форс тилида шоҳмот (шоҳ ўлди ёки таслим бўлди) деб аталган. Ўзбекистон худудида кенг оммалашган бу ўйин қадимий бўлиб, уларнинг доналари кўплаб археологик қазишмаларда топилган. Масалан, Сурхондарё вилоятидаги Далварзинтепа ёдгорлиги қатламларидан 2 минг йил муқаддам фил суюгидан ишланган, чўккалаб турган фил тасвири шахмат донаси<sup>11</sup>, Самарқанддаги Афросиоб ёдгорлигидан эса VIII асрга оид 8та ўйиб ишланган шахмат доналари топилган<sup>12</sup>. Шахмат ўйинининг қадимилиги шубҳасизdir ва бу ибтидоий даврдан бошлаб такомиллашиб келган жанг тартиблари ва уларда қўлланилган қуроллардан самарали фойдаланиш мақсадида жангчиларни тартиби билан жойлаштириш натижасида жанговор сафланиш тизими пайдо бўлганлиги билан боғлиқдир.

Ўрта Осиёда қўшинлар жанговар тартибининг энг яхши намуналарини Амир Темур армиясида кўриш мумкин. Шунга кўра Амир Темур тенгсиз ижодкор тариқасида ўйин усулларини жумладан катта шатранжни ихтиро этган эди. Шунингдек, шу даврларда давралиқ ва узунчоқ шахмат ҳам бўлган. Амир Темур кўпинча катта шатранж ўйнар эди. Бу шатранж тахтасининг эни ўн бир, бўйи ўн хонадан иборат бўлиб, XV аср олими Ибн Арабшоҳ “Амир Темур тарихи” китобида бу ўйинда иштирок этувчи доналар номини келтириб, ўйинни ўрганиш йўли амалда осонроқ эканлигини таъкидлаган холда ўйин қоидалари хақида маълумот бермаган. Ибн Арабшоҳ бу ўйинни бир томонида 33та доналар иштирок этиши ва улардан ҳозирги замон шахматида йўқ бўлган тuya, жирафа, илфор, турли пиёдалар каби доналар иштирок этишини ёзиб қолдирган.<sup>13</sup>

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш керакки, Амир Темур қўшинларни жанговар тайёргарлиги ва жанговар руҳиятини доимо юқори даражада ушлаб туриш ҳамда такомиллашиб келган жанг тартиблар ва уларда қўлланилган қуроллардан самарали фойдаланиш мақсадида жангчиларни тартиб билан жойлаштирища ўйинлардан кенг кўламда самарали фойдаланган. Шунинг учун, замонавий шароитларда ҳам бундай спорт ўйинларидан фойдаланиш ҳарбий хизматчиларни жанговар тайёргарлиги ва жанговар руҳини кўтаришга хизмат қиласи.

<sup>10</sup> Бу сандиқчалар жойини ўзгартирувчи бурж вазифасини ўтаган.

<sup>11</sup> Культура и искусство древнего Узбекистана. Каталог выставок в двух книгах. – М., 1991. книга 1. – с. 128.

<sup>12</sup> Буряков Ю.Ф. Шахматы древнего Афрасиаба. Тошкент: “Санъат” журнали, 2000, №2. – 10 б.

<sup>13</sup> Ибн Арабшоҳ. Ажоиб ал-макдур фи тарихи Таймур (Темур тарихида тақдир ажойиботлари). – Тошкент: Мехнат, 1992. 1-жилд. – 86-87 б.